



Review of law sciences



Dilshod Egamberdiyev,
Teacher of the Tashkent State University of Law

INTERNATIONAL EXPERIENCE IN REGULATING AND ORGANIZING INVESTIGATIONS BY INTERNATIONAL INVESTIGATIVE TEAMS.

Annotation: In recent years, the international community has developed and opened for signature a number of international agreements regulating international cooperation in the fight against crime. Along with the legal regulation of traditional legal institutions, such as mutual legal assistance in criminal matters, these instruments provide an international legal framework for new areas of cooperation in this field. One of them is the operational-investigative group or the international investigation team. The organization of such types of investigations and joint activities of States is one of the most effective forms of interaction between investigators, investigative bodies and law enforcement agencies, as well as other state bodies in the field of crime prevention and investigation. In this article, the author has scientifically justified the effectiveness and positive results of the activities of operational search groups, international investigative groups under international law. Comments were also made on the further development of this activity.

Keywords: international investigation group, operational investigation group, Convention, Europol, crime, legal aid, investigation, group, contract.

Дилшод Эгамбердиев,

Преподаватель Ташкентского государственного юридического университета

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ РЕГУЛИРОВАНИЯ И ОРГАНИЗАЦИИ РАССЛЕДОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫМИ СЛЕДСТВЕННЫМИ ГРУППАМИ

Аннотация: в последние годы международное сообщество разработало и открыло для подписания ряд международных соглашений, регулирующих международное сотрудничество в борьбе с преступностью. Наряду с правовым регулированием традиционных правовых институтов, таких как взаимная правовая помощь по уголовным делам, эти документы служат международно-правовой основой для новых областей сотрудничества в этой области. Одна из них, это оперативно-следственные группы или международные следственные группы. Организация таких видов расследований и совместной деятельности государств является одной из наиболее эффективных форм взаимодействия следователей, органов дознания и правоохранительных органов, а также других государственных органов в области предупреждения и расследования преступлений. В данной статье автор научно обосновал эффективность деятельности и положительные результаты деятельности оперативно-розыскных групп,

международных следственных групп по международному праву. Также были высказаны замечания по поводу дальнейшего развития этой деятельности.

Ключевые слова: международная следственная группа, оперативно-следственная группа, конвенция, *Europol*, преступность, юридическая помощь, расследование, группа, контракт.

Дилшод Эгамбердиев,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчisi

ХАЛҚАРО ТЕРГОВ ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕРГОВНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Аннотация: сўнгги йилларда халқаро ҳамжамият жиноятычиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни тартибга солувчи қатор халқаро шартномаларни ишлаб чиқди ва имзолаши учун очди. Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам каби анъанавий ҳуқуқий институтларни ҳуқуқий тартибга солиши билан бирга, ушибу ҳужжатлар бу соҳадаги ҳамкорликнинг янги йўналишилари учун халқаро-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Улардан бири тезкор-тергов гуруҳлари ёки халқаро тергов гуруҳлари дидир. Бундай тергов турӯҳларининг ташкил этилиши ва давлатларнинг биргаликдаги фаолияти жиноятларнинг олдини олиши ва тергов қилиши соҳасида терговчилар, суришириув органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиши органлари шунингдек бошқа давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг самарали шаклларидан биридир. Ушибу мақолада муаллиф халқаро ҳуқуқда тезкор-тергов гуруҳлари, халқаро тергов гуруҳларининг самарали фаолияти ва ижобий натижаларини илмий асослаб ёритиб берган. Шунингдек ушибу фаолиятни янада ривожлантириши билан боғлиқ фикр мулохазалар юритган.

Калим сўзлар: халқаро тергов гуруҳи, тезкор-тергов гуруҳи, конвенция, *Europol*, жинояят, ҳуқуқий ёрдам, тергов, гуруҳ, шартнома.

Замонавий дунёдаги қийинчиликлар ва таҳдидларнинг пайдо бўлиши яъни, жиноятычиликнинг байналмилаллашуви, турли ноқонуний ҳаракатларнинг худудий кенгайиши ва турли давлатлар фуқароларининг жиноий уюшмаларга (жиноий схемалар) жалб этилиши бу албатта турли қўнгилсиз воқеаларнинг ривожланишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида уларга қарши курашиш учун давлатлараро самарали механизмлар жорий қилишини талаб қилмоқда. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини қўрқитиб турган халқаро тероризм, гиёхванд моддалари ва қурол яроғ-савдоси, аёллар ва болаларни жинсий эксплуатация қилиш, шунингдек ижтимоий омиллар - қашшоқлик каби янги авлод муаммолари халқаро жиноятычиликка қарши курашишнинг хусусиялари билан бевосита боғлиқдир. Трансмиллий жиноятларнинг кўлами ва тузилиши мунтазам ўсиб бораётганлиги нафақат бир, балки бир неча мамлакатларнинг ҳам саъй-ҳаракатлари билан халқаро характердаги жиноий ҳодисаларга қарши курашда сезиларли натижга бермаганлигига яққол намоён бўлмоқда. Шубҳасиз, ягона бир давлат трансмиллий жиноятычиликка қарши курашиш муаммосини ҳал қила олмайди. Унга қарши курашишда ҳар томонлама турли давлатлар ўртасида яқин ҳамкорлик жуда муҳим аҳамията эгадир. Шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини татбиқ этиш бўйича халқаро ҳуқуқда етарлича тажриба тўпланган бўлсада, уни тизимлаштириш, ягона

норматив-ҳуқуқий база яратиш, жиноят ишлари бўйича турли шаклларда ҳуқуқий ҳамкорлик қилиш, миңтақавий ва универсал халқаро ташкилотлар доирасида икки ва қўп томонлама техник ёрдам кўрсатиш, жиноят содир этиб яширган шахсларни ушлаб бериш, суд ҳукмини ижро этиш учун ўз мамлакатига юбориш борасида ҳамкорлик етарли даражада, замоннинг хавф-хатарларига мос равишида шакллантирилмаганлигини қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда давлатлар ўртасида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда “тезкор-кидирув гурухи”, “тезкор-тергов гурухи”, “халқаро-тергов гурухи” тузиш каби халқаро ҳамкорликнинг янги шакллари пайдо бўлди. Бундай ҳамкорликни амалга ошириш натижасида, хусусан 1998 йилда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг турли хил жиноят турларига қарши кураш бораисдаги саъ – ҳаракатларини мувофиқлаштиришга мўлжалланган Europol ташкил этилганлигини [1] кўришимиз мумкин.

“Тезкор-тергов гурухи” тузишдан мақсад трансмиллий жиноятларни очиш ва тергов қилишда тегишли процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тезкор-кидирув тадбирларини ўtkазиши ва лозим бўлган далилларни тақдим қилишда ўзаро ҳамкорлик қилишdir [2]. Мазкур туркумдаги гурухларни “халқаро тергов гурухлари” деб номлаш ҳам мумкин. Бу ерда асосан, содир этилган жиноят трансчегаравий хусусиятга эга бўлиши, далилларни тўплашда ёки топишда тезкор ахборот алмашиниш ва бунга давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳаракат қилиши орқали амалга оширилади. Мазкур тадбирлар давлатлараро махсус келишувлар билан расмийлаштирилади [3].

Шиддат билан ривожланиб бораётган телекоммуникация даврида тезкор-тергов гурухлари ва халқаро тергов гурухларининг ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар, янгиликлар ва уларнинг умумий табиатини билмаслик афсуски учраб турибди, бунга сабаб халқаро ҳуқуқий нормалари ва уларни ҳаракатларини тартибга солувчи ҳуқуқий хужжатларнинг билмасликdir. Давлатлар ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги асосан қўп томонлама ва икки томонлама шартномалар билан тартибга солинади.

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги энг муҳим халқаро шартномаларга эса қўйидагилар киради:

- 1) 2000 йил 8 сентябрда Бош Ассамблеяning 55/2 резолюцияси билан тасдиқланган БМТнинг Минг йиллик декларацияси;
- 2) 2000 йил 15 сентябрда 55/25 резолюцияси билан БМТ Бош ассамблеясининг 55-сессиясининг 62-ялпи мажлисида қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенция;
- 3) Жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, мусодара қилиш тўғрисидаги конвенция (Страсбург, 11.08.1990) 141-сонли Конвенция
- 4) Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Конвенция (Кишинёв, 10/7/2002) [4].
- 5) МДҲга аъзо давлатлар худудида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг бўлиши ва ўзаро муносабатлари тартиби тўғрисидаги Битим (Минск, 04.04.1999)
- 6) МДҲ га аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлиги концепцияси (1999 йил 2 апрель)
- 7) Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги (2001 йил 15 июнь) Шанхай конвенцияси.

Ушбу халқаро ҳужжатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича икки томонлама кўп томонлама шартномаларни ҳам кўрсатиш мумкин. Ушбу халқаро нормаларда бевосита давлатлар ўртасида тезкор тергов гурухларини тузиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида нормалар кўрсатиб ўтилгандир. Масалан: БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенциясининг 19-моддасида жиноят иши бўйича манфаатдор давлатлар кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар ва келишувлар асосида ҳамкорликда тергов ҳаракатларини ўtkазиш ва тергов органларини ташкил этишлари мумкинлиги ҳакида қоида мустаҳкамланган [5]. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг “Тероризмга қарши конвенцияси”нинг 18-моддасида Конвенция доирасидаги жиноий қилмишларни содир этган шахслар, гумонланувчилар, айбланувчиларга нисбатан жиноят иши юритаётган томонлар, ушбу шахслар бошқа давлат ҳудудида эканлигини аниқлагач, ўша давлатнинг ваколатли органларининг розилигини олганларидан сўнг ўз ходимларини ўша давлат ҳудудида ўtkaziladigan тезкор-кидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларида иштирок этишлари учун юборишлари мумкин [6].

Бугунги кунда, Европа Иттифоқида Europol тезкор-тергов гурухларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда, хавфли вазиятларни ҳал этишда катта тажрибага эга эканлиги ва турли жиноятчиликка қарши курашувчи ташкилотлар балан биргаликда тергов операциялари шаклида ҳамкорлик қилиши жудда катта қизиқиш уйғотмоқда.

2000 йил май ойида Европа Иттифоқи Кенгаши "Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг жиноий ишларида ўзаро ёрдам тўғрисида"ги Ковенциясини қабул қилди [7]. Конвенциянинг

13-модда 1 қисмiga мувофиқ “Ушбу, конвенцияга аъзо томонларнинг ваколатли органлари ўзаро келишув асосида бир ёки бир неча Иттифоққа аъзо давлатлар ҳудудида жиноятларни тергов қилиш учун қўшма тергов гурухларини тузишлари мумкин”. деб белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Конвенция бундай гурухлар томонидан олиб борилиши мумкин бўлган терговларни чекламайди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органларни ҳар бир ҳолатда биргаликда ҳаракат қилиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгалигини ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, 6.04.2009 йил “Европа полиция агентлиги (Europol) ташкил этиш тўғрисида” ги қарор [8]нинг 5-моддасига мувофиқ, унинг вазифаларидан бири, аъзо давлатларнинг ваколатли органларини терговни бошлаш, ўtkazish ва мувофиқлаштириш ва муайян ҳолларда қўшма тергов гурухларини ташкил этишни таклиф қилишни талаб қилиши мумкин. Бундай тергов гурухлари бевосита раҳбар, гуруҳ аъзолари ва қўшма тергов гурухига бириктирилган аъзоларидан ташкил топгандир [9].

Тергов гурухларини тузиш ва уларнинг фаолияти умумий одатий фаолият эмас. Лекин, Европа Иттифоқи ёки бир неча аъзо давлатларнинг манфаатларига қарши жиноятдар содир этилганида тергов гурухларининг фаолияти жуда самаралидир. Масалан Наркотик моддаларни ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноят ишини тергов қилиш учун Буюк Британия, Голландия, Франция ва Испания ваколатли органлари томонидан тергов гурухлари тузилган ёки Франция ва Испания ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари терроризмга оид ишларни биргаликда тергов қилишганини кўришимиз мумкин.

Европа Иттифоқининг тергов гурухларини тузиш ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг самарали усууларидан бари эканлигини кўрсатмоқда. Бу тажриба халқаро жиноятларни тўлиқ очиш, улар билан боғлиқ далилларни тўплаш ва тезкор ахборот алмashiшиш каби ҳаракатларнинг ривожланишига кенг йўл очиб бераётганлигини кўришимиз мумкин. Шу

нүктаи назарда, фикримизча БМТ доирасида бевосита давлат ўртасида тергов ва тезкор тергов-гурухларини тузиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича бирор халқаро шартнома қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сўнгги йиллардаги амалиёт шуни кўрсатадики, МДҲга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бир нечта давлат манфаатларига таъсири этувчи жиноятларни тергов қилишда давлатлар ўртасида тузилган ўзаро тергов гурухларидан аста-секин фойдалана бошладилар [10].

2002 йил 7 октябрь кунги “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинев конвенцияси (“Фуқаролик, оиласи ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенциясига кўшилиш тўғрисида”ги: Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2019 йилдаги ЎРҚ-534-сонли Қонуни)нинг 63-моддасида ҳамкорликда тезкор-тергов гурухлари тузиш ва тергов харакатларини ўтказиш тартиби баён этилган. Унга кўра, бир ёки бир неча шахслар томонидан икки ёки ундан ортиқ аъзо давлат ҳудудларида содир этилган жиноий қилмишлари юзасидан жиноят ишлари бўйича текзор ва ҳар томонлама тергов харакатларини ўтказиш учун аъзо давлатлар ҳамкорликда тергов гурухларини тузишлари мумкин[11]. Бундай гурухнинг ташкил этилиши Конвенциянинг 60-моддасига асосан жиноий иш бўйича юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топширикга мувофиқ расмийлаштирилади, бунда бу гурухни тузиш таклифини олган вақтдан бошлаб аниқ 15 кунлик муддатда қарор қабул қилиш белгилаб қўйилган [12]. Шунингдек, шартномага аъзо давлатлар ўртасида гурух тузилгандан сўнг ўз навбатида ушбу гурухга кирган мансабдор шахсларнинг рўйхати тақдим этилади.

Тезкор тергов гурухи ташкил этилгандан сўнг унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғридан-тўғри амалга оширилади, улар терговнинг асосий юналишларини мувофиқлаштиради, тергов харакатларини, қидирув ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказади, олинган маълумотлар бевосита алмасилади (Конвенция 63-модда 4-қисм). Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши қуаш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида келиб тушган сўровлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиши ҳақида қоида мустаҳкамланган [13].

Кишинев Конвенциясининг ҳамкорликда тезкор-қидирув ва тергов гурухларини тузишга оид қоидалари баъзи МДҲ давлатлари томонидан жиноят-процессуал қонунчилигига имплементация қилинган. Хусусан, Қозогистон Республикаси ЖПКнинг 548-моддасида ҳамкорликда тергов, тезкор-тергов гурухларини тузиш ва уларнинг фаолиятига оид нормалар мустаҳкамланган. Шу каби қоида Кишинев конвенцияси иштирокчиси бўлмаган Украянанинг ЖПКнинг 571-моддасида ҳам мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПКсида ҳам дастлабки терговни терговчилар гурухига топшириш масаласи (354-модда) тартибга солинган. Унга кўра жиноят иши кўп меҳнат талаб этса, жуда мураккаб ёки ўта долзарб бўлса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи шу иш бўйича дастлабки тергов юритишни доимий ёки маҳсус тузилган тергов гурухига топшириши мумкин. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКсида ҳамкорликда тезкор-тергов гурухларини тузиш бўйича ҳеч қандай норма мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2019 йилдаги ЎРҚ-534-сонли Қонуни билан “2002 йил 7 октябрь кунги “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинев конвенцияси”га қўшилди. ЖПК З-моддасига кўра, “Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади”, деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб ЖПК га ҳам халқаро ҳужжатда назарда тутилган процессуал нормани киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу киритилиши керак бўлган процессуал нормада бевосита тезкор тергов гуруҳини тузиш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш, тузиш муддатлари, гуруҳ аъзоларининг ваколатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни аниқ қўрсатиш керакдир.

Ривожланиб бораётган ахборот асрида бундай халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган ва самарали фаолият олиб бораётган нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ўз навбатида мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг бир кўринишидир. Мақолада илгари сурилган таклифлар яъни Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган субъекти сифатида Жиноят процессуал кодексида давлатлар ўртасида тезкор тергов гуруҳларини тузиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида жиноятларнинг ўз вақтида очилиши ва давлатлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинишига хизмат қиласи. Бевосита халқаро ҳуқуқда ўзининг ижобий натижасини берган тезкор-тергов гуруҳларининг фаолияти бу шу заминда яшаётган миллионлаб инсонларнинг ҳуқуқларига таҳдид солиш, давлатларнинг иқтисодий салоҳиятига таҳдид қилиш каби бир қанча ноқонуний ҳаракатлар ёки халқаро жиноятларга қарши курашишда ва давлатлар ўртасида ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада юксалтиради ва албатта яхши натижалар беради.

References:

1. Yevropa politsiyasini tashkil etish bo'yicha Yevropa Ittifoqi Kengashining 06.04.2009 yildagi Qarori <https://eulaw.edu.ru/spisok-dokumentov-po-pravu-evropejskogo-soyuza/reshenie-soveta-ot-6-aprelya-2009-g-o-sozdaniu-evropejskogo-politsejskogo-vedomstva-evropol/>
2. Soglasheniye o poryadke sozdaniya i deyatelnosti sovmestnix sledstvenno-operativnix grupp na territoriyax gosudarstv - uchastnikov Sodrujestva Nezavisimix Gosudarstv ot 16 oktyabrya 2015 goda. // www.cis.minsk.by <http://www.cis.minsk.by>.
3. Umaranova, D.Sh. (2018) "Organization of the groups of investigation and operative investigation as a form of international cooperation on criminal cases," Review of law sciences: Vol. 2 , Article 10. p. 46-50
4. "Fuqarolik, oilaviy va jinoiy ishlar bo'yicha huquqiy yordam va huquqiy munosabatlar to'g'risidagi konventsiyasiga qo'shilish to'g'risida" gi : O'zbekiston Respublikasining 26.08.2019 yildagi O'RQ-534-sonli Qonuni // <https://lex.uz/ru/docs/4487578>
5. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml
6. <https://www.lex.uz/acts/2068063>
7. <https://eurlex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=OJ:C:2000:197:0001:0023:EN:PDF>
8. <https://eulaw.edu.ru/spisok-dokumentov-po-pravu-evropejskogo-soyuza/reshenie-soveta-ot-6-aprelya-2009-g-o-sozdaniu-evropejskogo-politsejskogo-vedomstva-evropol/>
9. Gurbanov R.A. Sub'yekti sotrudnichestva sudebnix organov gosudarstv - chlenov YeS v sfere ugolovnogo pravosudiya // Pravo i politika. - 2011. - № 9. - S.1500-1508.
10. Litvishko P.A. Sozdaniye i deyatelost sovmestnix sledstvenno-operativnix grupp v SNG: tekushiy etap normotvorchestva // Rossiyskiy sledovatel. - 2010. - № 4. - S. 34 38.
11. https://nrm.uz/contentf?doc=216184_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
12. <http://www.cis.minsk.by/page/614>
13. <https://lex.uz/docs/2107763>